
“Senorita” хусусий корхонасида аёллар ва болалар пойабзалларини ишлаб чиқарилмоқда

Марғилон шаҳридаги “Надирмат” кичик саноат зонасида жойлашган “Senorita” хусусий корхонасида аёллар ва болалар пойабзалларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Хусусий тадбиркор Баҳром Мирхаджаев раҳбарлигидаги ушбу корхонада ҳозирги кунда 35 та ишчи ўрни яратилган. Ойлик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 15 минг жуфтни ташкил этади.

Экспортёр корхона томонидан ишлаб чиқарилган пойабзаллар Тожикистон, Қозоғистон ҳамда Қирғизистон давлатларига ҳам экспорт қилинади.

Ўтган йили лойиҳа қиймати 4,5 млрд сўмни ташкил этган бўлган бўлса, бу йил корхона раҳбари Б.Мирхаджаев режани 8 миллиард сўм миқдорида бажаришни мақсад қилган.

2023-08-16 09:50:16